O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
NURAFSHON SHAHAR
HOKIMI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛАСТЬ
ХОКИМ ГОРОДА
НУРАФШОН

111500, Нурафшон шаҳар, Тошкент йўли кўчаси, 55а-уй, тел.: (370) 76-22-062

ҚАРОР
РЕШЕНИЕ

2018 йил “12” ноябр 650-сон Нурафшон ш.

Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун ялпи тарифларини белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги “2017-2021 йилларда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2916-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги “Коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 194-сонли қарорлари ижроси, шунингдек Тошкент вилоят “Тоза худуд” давлат унитар корхонасининг 2018 йил 19 июлдаги 175-сонли хатини инобатга олиб ва Тошкент вилояти ҳокимининг 2018 йил 17 сентябрдаги 722-сонли қарорига асосан Нурафшон шаҳар ҳудудида қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ҳамда олиб чиқиб кетиш хизматлари учун ягона янги тарифларни белгилаш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент вилояти ҳокимининг 2018 йил 17 сентябрдаги 722-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. 2018 йил 1 октябрдан бошлаб Нурафшон шаҳрида “Тоза ҳудуд” ДУК томонидан қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ҳамда олиб чиқиб кетиш хизматлари бўйича қуйидаги ягона янги тарифлар белгилансин:

аҳолига бир киши учун бир ойга – 2500 сўм;

юридик шахслар 1м^3 учун – 41100 сўм, (ҚҚС билан 49320 сўм); -

суюқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш – 1 тонна учун 50000 сўм (юридик шахсларга ҚҚС билан 65000 сўм) этиб белгилансин.

3. Нурафшон шаҳар ҳудудидаги корхона ва ташкилотлар ҳамда шаҳар “Тоза худуд” ДУК ўрнатилган тартибда жорий йилнинг 20 октябрига қадар қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ҳамда олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тасдиқланган ягона янги тарифлар бўйича истеъмолчиларни хабардор қилсинлар.

4. Кўчмас мулкдан фойдаланилганда қаттиқ маиший чиқиндилар пайдо бўлишига олиб келувчи ва ушбу кўчмас мулк ихтисослаштирилган санитария-тозалаш ташкилотларининг хизмат кўрсатиш доирасида жойлашган бўлса, ушбу мулк эгаси (юридик ва жисмоний шахслар) улар билан қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатилиши юзасидан шартнома тузилиши шарт.

5. Шаҳар "Тоза худуд" ДУК (М.Мирахмедов) шаҳар "Маҳалла" хайрия жамғармаси (А.Ўтапов) билан ҳамкорликда жойларда янги тарифлар, чиқиндиларни ташлаш тартиби, сунъий чиқиндихоналарни юзага келиш ҳолатларини олдини олиш бўйича тушунтириш ишларини олиб бориш юзасидан семинарлар ўтказиш графикларини тузиб шаҳар ҳокимлигига ахборот бериб бориши белгилансин.

6. Шаҳар ҳокимлиги (З.Тошхўжаев) ўзини-ўзи бошқариш органлари билан биргаликда аҳоли ва юридик шахслар билан "Тоза худуд" ДУК ўртасида чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича шартномаларни қисқа муддатда тузилишига амалий ёрдам кўрсатишлари белгилаб ўтилсин.

7. "Маъшал" газетаси таҳририяти (Т.Хакимов)га шаҳар "Тоза худуд" ДУК томонидан қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ҳамда олиб чиқиб кетиш хизматлари учун тасдиқланган ягона янги тарифлар тўғрисида тарғибот қилиб бориш тавсия этилсин.

8. Тошкент вилояти ҳокимининг 2017 йил 12 октябрдаги "Тошкент вилоятида қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари учун янги тарифларни белгилаш тўғрисида"ги 591-сон карори ўз кучини йўқотганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

9. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

10. Ушбу қарор бажарилишини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Бегматов ва шаҳар ҳокимининг ўринбосари Э.Мирхаликов зиммаларига юклатилсин.

Шаҳар хокими **У.Рахимов**

ADLIGA TO'G'RI